# БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК!

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

14 ЙИЛ ЧИҚИШИ

№ 87 (3569).

1 МАЙ

ДУШАНБА

1967 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин.

**Яшасин меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлик куни, барча мамлакат ишчилар синфининг бирлик ва қардошлик куни — 1 Май!**

***Яшасин Ленин тузган шонли Совет Иттифоқи Коммунистик партияси!***

***Мамлакатимизда коммунизм тантанаси учун курашда янги ғалабалар сари олға!***




## «ХАЛҚЛАР ЎРТАСИДА ТИНЧЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН» ХАЛҚАРО ЛЕНИН МУКОФОТЛАРИ КОМИТЕТИНИНГ ҚАРОРИ

### «ХАЛҚЛАР ЎРТАСИДА ТИНЧЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН» 1966 ЙИЛГИ ХАЛҚАРО ЛЕНИН МУКОФОТЛАРИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

1967 йил 21 апрелда академик Д. В. Скобельцин раислигида «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» Халқаро Ленин мукофотлари комитетининг мажлиси бўлиб ўтди.

Комитет 1966 йилги халқаро Ленин мукофотларини бериш тўғрисида тушган таклифларни кўриб чиқиб, бу масала юзасидан қарор қабул қилди.

Бугун комитетнинг халқаро Ленин мукофотлари бериш тўғрисидаги қарори эълон қилинаётир.

Тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш учун кураш соҳасидаги жуда катта хизматлари учун қуйидагиларга «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» Халқаро Ленин мукофотлари берилсин:

**Мартин Нимеллерга** — пастор, жамоат арбоби (Германия Федератив Республикаси).

**Абрахам Фишерга** — адвокат, жамоат арбоби (Жанубий Африка Республикаси).

**Давид Альфаро Сикейросга** — рассом, жамоат арбоби (Мексика).

**Иван Малекка** — олим, жамоат арбоби (Чехословакия Социалистик Республикаси).

**Рокуэлл Кентга** — рассом, жамоат арбоби (Америка Қўшма Штатлари).

**Герберт Варикега** — жамоат арбоби (Германия Демократик Республикаси).

**Москва**, 1967 йил, 21 апрель.

## СССР МУДОФАА МИНИСТРИНИНГ БУЙРУҒИ

1967 йил 1-май № 109 Москва шаҳри

Солдат ва матрос, сержант ва старшина ўртоқлар!
Офицер, генерал ва адмирал ўртоқлар!

Бугун совет халқи, Армия ва Флот жангчилари меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлик куни, барча мамлакат ишчиларининг бирлик ва қардошлик куни Биринчи майни байрам қиладилар.

Бу порлоқ байрамни Улуғ Ватанимиз шонли юбилей—Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 ёшга тўлган йилида нишонламоқда.

Коммунистик партия теварагида маҳкам жипслашган совет халқи КПСС XXIII съездининг тарихий қарорларини амалга ошириш йўлида мисли сиз завқ-шавқ ва ғайрат билан меҳнат қилмоқда, жаҳонда биринчи социалистик давлатнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини тинмай мустаҳкамламоқда.

Социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг меҳнаткашлари совет халқи билан бирга янги турмуш йўлида ишонч билан олға бормоқдалар. Жаҳон социалистик системаси халқаро майдонда ўз позициясини кундан-кунга мустаҳкамламоқда, унинг жаҳондаги воқеаларнинг боришига таъсири тўхтовсиз ўсиб бормоқда.

Совет Иттифоқи тинчлик ва халқлар ўртасида ҳамкорлик сиёсатини қатъият ва изчиллик билан ўтказиб келмоқда, Низоли масалаларни тинч йўл билан ҳал этишга ҳаракат қилмоқда.

АҚШ бошчилигидаги империалистик давлатларнинг ҳукмрон доиралари бунга бутунлай қарама-қарши ташқи сиёсат йўлини ўтказиб келмоқдалар. Улар Вьетнам халқига қарши жиноий урушни тобора кенгайтирмоқдалар, агрессияни ер куррасининг янги районларига ёйишдан иборат мудҳиш режаларни тузмоқдалар.

Европадаги мавжуд чегараларни ўзгартириш умидидан воз кечмаган, атом қуролини очиқдан-очиқ даъво қилаётган Ғарбий Германия реваншчилари жаҳонга жиддий таҳдид солмоқдалар.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати жаҳонда вужудга келган вазиятни ҳисобга олиб, бутун совет халқининг ҳушёрлигини ошириш, Ватанимиз хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, СССР Қуролли Кучларининг қудратини ошириш учун барча зарур чораларни кўрмоқдалар.

Сизларни 1 Май байрами билан табриклайман ва қутлайман, жанговар ва сиёсий тайёргарлик ишларида, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллиги шарафига олинган юксак социалистик мажбуриятларни бажаришда сизларга янги муваффақиятлар тилайман.

Армия ва Флот жангчилари! Жанговар тайёргарликни ҳормай-толмай оширингиз, ҳарбий маҳоратни муттасил такомиллаштиринг из, ўз сафларингизда интизом ва уюшқоқликни мустаҳкамлангиз, коммунизм қурувчи совет халқининг бунёдкорлик меҳнатини ҳушёрлик билан муҳофаза қилингиз.

Меҳнаткашлар халқаро байрамини нишонлаш юзасидан БУЮРАМАН:

Бугун Биринчи майда маҳаллий вақт билан соат 21 да Ватанимиз пойтахти — қаҳрамон шаҳар Москвада, иттифоқдош республикаларнинг пойтахтларида, шунингдек қаҳрамон шаҳарлар, Ленинград, Волгоград, Севастополь, Одесса ва қаҳрамон қалъа Брестда йигирма марта тўп отиб, салют берилсин.

Яшасин меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлик куни, барча мамлакатлар ишчилар синфининг бирлик, қардошлик куни бўлган 1 Май!

Яшасин буюк совет халқи ва унинг қаҳрамон Қуролли Кучлари!

Барча ғалабаларимизнинг илҳомчиси ва ташкилотчиси Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига шон-шарафлар!

СССР МУДОФАА МИНИСТРИ
СОВЕТ ИТТИФОҚИ МАРШАЛИ А. ГРЕЧКО.

## ХАЛҚАРО ЛЕНИН МУКОФОТИ ЛАУРЕАТЛАРИ



МАРТИН НИМЕЛЛЕР



АБРАХАМ ФИШЕР




ДАВИД АЛЬФАРО СИКЕЙРОС



ИВАН МАЛЕК



РОКУЭЛЛ КЕНТ



ГЕРБЕРТ ВАРНКЕ

# МАЙ ЖИЛВАСИ

Ўлкамизда баҳор нафаси кезмоқда. Ҳаммаёқ яшил либосга бурканган. Бугунги улуғ айём кунида баҳорнинг илиқ шабадасида оҳиста силкинаётган ниҳоллар, ёш келинчаклардек безаниб, чирой очган дарахтлар, чаман-чаман очилган хушбўй гуллар, биноларнинг пештоқларига осилган қизил алвонлар ва жанговар шиорлар, баҳор қуёшида чўғдек товланиб турган ол байроқлар, кишиларнинг виқор билан шаҳдам қадам ташлашлари, улар чеҳрасидаги қувноқлик ва шодлик — ҳамма-ҳаммаси ўзгача латофат, ўзгача нашида бахш этади. Булар бугунги улуғ айёмнинг, баҳор ва меҳнат шодиёнасининг, севимли Майимизнинг жилвасидир.

Ҳа, бугун 1 Май! Бутун дунё меҳнаткашларининг қардошлик ва бирдамлик куни! Дилрабо Май жилваси бутун борлиқни яшнатиб, зеболантириб юборган. Қаёққа қараманг кўз қувнайди, дил яйрайди! Офтоб билан лиммо-лим осмонда шўх куй ва қўшиқлар таронаси янграб эшитилади. Қувноқ хандалар кўкларга парвоз этиб, меҳнаткаш халқимизнинг бахтли-саодатли турмушидан дарак беради. 1 Май тантаналари мамлакатимиз бўйлаб сайр этмоқда.

Совет кишилари бу йилги Май байрамини алоҳида бир вазнятда кутиб олмоқдалар. Бу шодиёнанинг Улуғ Октябрнинг шонли эллик йиллик юбилейи йилида ўтаётганлиги ҳам диққатга сазовордир. Октябрнинг юбилейи мамлакатимиз, халқимиз ва партиямиз тарихида улкан воқеадир. Бутун совет халқи ва ер юзидаги тараққийпарвар инсоният бу буюк санани муносиб нишонлаш учун жуда катта тайёргарлик кўрмоқдалар. Юбилей муносабати билан мамлакатимиз халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида социалистик мусобақа кенг қизитиб юборилди.

Бутун совет халқи билан бир қаторда областимизнинг фидокор меҳнаткашлари ҳам халқаро бирдамлик куни — 1 Майга ёруғ юз билан, катта меҳнат зафарлари билан келдилар. Область саноатининг ходимлари Май арафасида тўрт ойлик планни муддатидан илгари бажарганликлари ҳақида ғалаба рапорти бердилар. Пландан ташқари кўплаб турли хил маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Бу маҳсулотлар совет кишиларининг эҳтиёжларини қондириш ва фаровонлигини ошириш, Ватанимизнинг куч-қудратини тағин ҳам юксалтириш учун ишлатилади.

Қишлоқ хўжалигининг азамат меҳнаткашлари ҳам байрамни муносиб кутиб олдилар. Область колхоз ва совхозлари ерга барака уруғини қадаб, чигит экишни яплисига муваффақиятли тугалладилар. Ҳозир дала шунқорларининг қадоқ қўлларн ва пешона тери билан вужудга келган ниҳоллар униб чиқиб, яшил квадратлар ҳосил қилмоқда. Денгиздек мавжланиб турадиган, поёнсиз шу яшил квадратлардан миллион тонналаб «оқ олтин» тоғлари бунёд қилинади.

Бугунги улуғвор тантаналарда, намойишчилар кўтариб олган ранго-ранг транспарант ва ол байроқларда, байрам колонналари узра янграйдиган жанговар ва оташин шиорларда совет кишиларининг меҳнат ва ижод соҳасида эришаётган улкан зафарлари акс этади. Халқимизнинг қудратли ва тантанавор садоси осмон гумбазларини титратиб, ер куррасн бўйлаб парвоз қилади ва Советлар Ватанидаги бахт-иқбол, ёрқин саодат, фаровон турмуш ҳақида сўзлайди.

Улуғ Ленин тузган шонли Коммунистик партия туфайли, совет кишилари учун бахт эшигини очиб берган Октябрь революцияси туфайли биз шундай саодатли ва нурафшон ҳаётга эга бўлдик. Шунинг учун ҳам халқимиз ўз раҳнамоси — Коммунистик партияга қаттиқ ишонади, унга чексиз содиқдир. Партия эса ўз навбатида халққа, унинг битмас-туганмас куч-ғайратига зўр ишонч билан қарайди. Бугунги кунда миллионларча совет кишилари ўзларининг бутун фикри-зикрини, нигоҳини, энг яхши ҳистуйғуларини яна бир бор доно партияга қаратмоқдалар.

1 Май байрами жаҳондаги ҳамма мамлакатларда, барча қитъаларда кенг намойиш қилинмоқда. Қардош социалистик мамлакатларнинг меҳнаткашлари, янги ҳаёт қураётган, озодлик ва мустақиллик учун, ўз ҳуқуқларини қўлга киритиш учун, империализмга қарши мардонавор кураш олиб бораётган элларнинг захматкашлари, эрк ва адолат деб баралла гапираётган барча тараққийпарвар кишилар Май шодиёнаси кунида ўз сафларини тағин ҳам маҳкамроқ жипслаштирмоқдалар, янги уруш оловини ёқувчиларни жиловлаб қўйиш учун ҳамма чораларни кўрмоқдалар.

Ҳозирги вақтда жаҳонда ғоят кескин вазият пайдо бўлди. Америка Қўшма Штатлари бошчилигидаги империалистик доиралар дунёнинг турли районларида янги уруш ўчоқларини вужудга келтирмоқдалар. Айниқса, АҚШнинг Вьетнам Демократик Республикасига нисбатан қилаётган очиқдан-очиқ агрессияси хатарли тус олмоқда. Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар, жаҳон прогрессив жамоатчилиги Вьетнамдаги қабиҳ урушнинг кенгайиб кетмаслиги учун ҳамма зарур чораларни кўрмоқдалар.

Жаҳон халқлари, халқаро ишчилар синфи Биринчи Май байрамини тинчлик, демократия, социализм ва коммунизм учун, дунёда эрк ва адолат тўла тантана қилиши учун кураш байроғи остида кутиб олмоқдалар.

Май жилваси совет кишиларига янгидан-янги илҳом, куч-ғайрат бағишламоқда. Май жилваси Ватанимизни зафарлардан зафарларга руҳлантиряпти. Май жилвасн Улуғ Октябрнинг шонли ярим асрлик муборак тўйи яқинлигидан дарак бераётир.

Октябрь ва Май жилваси совет кишиларининг қувноқ чеҳрасида, шодиёна хандасида барқ урмоқда.

ЯШАСИН МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ ХАЛҚАРО БИРДАМЛИК КУНИ, БАРЧА МАМЛАКАТ ИШЧИЛАР СИНФИНИНГ БИРЛИК ВА ҚАРДОШЛИК КУНИ — 1 МАЙ!

## ҚУВОНЧЛИ САТРЛАР

БЕКОБОД. 3-«Далварзин» совхозининг пахтакорлари баҳор байрами — 1 Майни меҳнат ғалабалари билан нишонламоқдалар. Ишчилар чигитни барвақт ундириб олиб, парваришни кучайтириб юбордилар. Совхознинг 5-бўлим пахтакорлари айниқса ғайрат қилишяпти. Улар юбилей йилида 320 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 20 центнердан «оқ олтин» етиштириш учун астойдил курашмоқдалар.

**А. ЭГАМҚУЛОВ.**

●


ЯНГИЙЎЛ. Калинин номли колхознинг ўртоқ Ю. Ўйинбоев бошлиқ участканинг аъзолари баракали меҳнат қилмоқдалар. Улар 819 ўрнига 1000 тонна сабзавот етиштириб бериш мажбуриятини олдилар. Колхозчилар яқин кунда эртаги сабзавот экинларининг дастлабки ҳосилини шаҳарлик биродарларга жўнатишади.

**А. ЖАЛОЛОВ.**

●

БЎКА. «Ленинизм» колхозининг маккажўхорикорлари 92 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 500 центнердан кўпроя олиш учун курашмоқдалар. Эрта экилган маккажўхори хатосиз униб чиқди. Деҳқонлар экинларни парвариш қилишни кучайтириб юбордилар.

**С. ШАРОФХОНОВ.**




# ЛЕНИН

Биз Москвада бўлганимизда Горка қишлоғига ҳам бордик. Пойтахтдан ўттиз беш километр нарида жойлашган бу қишлоқ ёнидаги боғ-ўрмонда Владимир Ильич Ленин ўз ҳаётининг сўнгги йилларини ўтказган. Ҳозир бу ер музейга айланган.

Горка қишлоғида В. И. Ленин номли колхоз тузилган. Бу ерда бир неча минг бола ўқийдиган ўрта мактаб бор. Биз В. И. Ленин уй-музейини саёҳат қилиб юрганимизда, бир гуруҳ мактаб ўқувчиларини кўрдик. Улар музейни томоша қилиб, энди ҳовлига чиққан эдилар. Бизлар эса, музейнинг янги хоналарига кириш учун навбат кутиб турар эдик. Сочсоқоли оппоқ кекса ўқитувчи болалар орасида хурсанд айланиб юрарди, уларнинг саволларига шошилмай жавоб берар эди. Биз у кекса ўқитувчидан «сизлар қаердан келдиларинг?» деб сўрадик. Ўқитувчи ўзини Петр Иванович деб таништирди ва бизлар шу ердан, рўпарадаги нариги тепаликдан деб жавоб берди. Нариги тепаликда эса, Горка қишлоғи бор эди. Биз кекса ўқитувчини саволга тутдик. Ленинни кўрганмисиз, деб сўрадик. У, бизларга жилмайиб қаради ва ёнидаги ўсмир болани кўрсатиб, Владимир Ильични кўрганман-у, у вақтда мен худди мана шу Витядай эдим, деди. Владимир Ильич бизнинг қишлоғимизга келганлигини ва бу ердаги камбағал деҳқонлар билан учрашганлигини ва электр кириб беришга ваъда берганлигини жуда яхши биламан деди. Мана энди бизнинг қишлоғимизни танимайсиз. У шаҳарчага ўхшайди. Ильич чироғи хонадонларимизни абадий ёритиб турибди. Болаларимиз илм-маърифат даргоҳида ўсиб-улғаймоқдалар. Бизлар ҳар йили В. И. Ленин туғилган кун ва 1 Май байрами арафасида бу азиз жойни келиб кўрамиз ва бу ерда йиғинлар ўтказамиз деди.

Биз улар билан хайрлашдик. Лекин мўйсафиднинг сўзлари дилимизда қолди.

Болалар доҳи яшаган ва ишлаган жойларини 1 Май арафасида келиб кўришни одат қилиб олганлар. 1 Май — баҳор байрами. Бутун дунё меҳнаткашларининг бирдамлик куни. Болаларнинг ота-боболари бундан эллик йил бурун қўлларига қурол олиб, революцион бирдамлик кўрсатганлар ва эски дунёни, зулмат ва қабоҳатни ағдариб ташлаганлар.

В. И. Ленин 1921 йилнинг 9 январида Горка қишлоғининг деҳқонлари билан учрашади. Деҳқонлар қандай қилиб мўхтожликдан қутилиш йўлларини излар эдилар. Владимир Ильич деҳқонлар орзусини яхши билар эди. У «бирлашиш керак. Илгари яшатандек яшамаймиз. Энди янгича ҳаёт кечирамиз. Меҳнат ҳамма нарсани енгади» дейди. Деҳқонларнинг қишлоққа электр чироғи келтириш ҳақидаги илтимосини бажо келтиришга ваъда беради. 1921 йилнинг июль ойида бу қишлоқда Ильич чироқлари порлайди.

Ленин болаларни жуда севар эди. Гражданлар урушн ва очарчиликдан қийналган болалар аҳволидан жуда ташвишланар эди. Владимир Ильич 1923 йилнинг декабрь ойида М. И. Ульяновaнинг Горка қишлоғида болалар учун байрам ўтказиш ҳақидаги таклифини маъқуллайди. 7 январда кечқурун болалар йиғилишади. Қишлик боғнинг катта зали безатилган ва чароғон бўлади. Бу ерда болалар ўз байрам йиғинларини ўйин-кулги, шоди-хуррамлик билан ўтказишади. Бу ерга баъзи вақтларда ишчилар ва деҳқонлар ҳам келишар эди. Владимир Ильич уларни қишлик боққа таклиф этиб, улар билан суҳбатлашар, кейин янги кинофильмларни томоша қилар эди.

В. И. Ленин уй-музейидаги анжом-буюмлар улуғ доҳи барҳаёт вақтида қандай бўлса, худди шундай сақланмоқда. Бу ерга қадам қўйган ҳар бир киши инсоният бахт-саодати учун ўз ҳаётини бағишлаган буюк зотнинг ёрқин жанговар ҳаётини кўз олдига келтиради.

Ленинградда ҳам, унинг атрофидаги қишлоқларда ҳам В. И. Ленин хотирасини муътабар сақлайдилар. В. И. Ленин яшаган ва революцион фаолиятини бошлаган жойлар музейга айлантирилган. Бу ерлардаги тарихий жойлар баҳаво, кўркам ўрмонзор, қайнзорлар ҳам болалар санаторийларига, ёзлик пионер лагерларига, дам олиш жойларига айлантирилган. Фин кўрфазининг оромбахш, мовий соҳилларида В. И. Ленин туғилган кун ва 1 Май байрами муносабати билан йиғилишлар ва пионер сборлари ўтказилмоқда. Бизлар ҳамма ерда баҳор байрамига қизғин тайёргарлик кўраётган ажойиб кишилар, қувноқ болалар орасида бўлдик. Боғларга ва йўллар ҳамда кўчалар четларига мевали ва манзарали дарахт кўчатларн ўтказилар эди. Эски дарахт кўчатларн оқланар, сайҳон жойлар текисланар, ҳаммаёқ саранжом-саришта қилинар эди. Олис ўтмишда зулм-қабоҳат маскани бўлган бу жойлар баҳорга, нурга қучоғини кенг очиб, гул-гул яшнар эди. Инсон Октябрь қуёшидан абадий бахрамандир. Инсоният меҳнаткашлар дунёсига нур олиб келган В. И. Ленининг улуғ номини зўр ҳурмат билан тилга олади. Уни, ҳамма вақт барҳаёт деб билади. Ҳар ишда, ҳар курашда ўзи билан бирга деб билади. Ленин сўзлари, Ленин васиятлари эллар тилида, эллар дилида абадий барҳаётдир. Уларнн янги зафарларга бошлайди.

Биз яқинда Ховос-Мирзачўл ерларида бўлдик. Бу асрий тақир жойларда ўзбек ва тожик пахтакорлари янги «оқ олтин» чаманзорларнинн бунёд этмоқдалар. Осмонга бўй чўзган пахта буталарини ва янги очилаётган қўриқ ерларни, гўзал, кўркам қишлоқларни кўриб ўтмишда бу ерларда Совет ҳокимиятининг ўрнатиш учун бўлиб ўтган оғир жанглар ёдимизга келади. В. И. Ленин бу ерларни ўзлаштириш ва бу ерларда мўл-кўл пахта

# ВА МАЙ

ҳосили етиштиришни орзу қилар эди. В. И. Ленин бу ерларда душман унсурлари меҳнаткаш халқнинг янги ҳаёт қурнишга қаршилик кўрсатаётганлигини билар эди. В. И. Ленин М. В. Фрунзе ва В. В. Куйбишевларни бу ерга юборган ва янги ҳаёт қурншда Туркистон меҳнаткашларига ёрдам кўрсатишни топширган эди. Баҳор байрами арафасида, Ховос-Мирзачўл ерларидан 1922 йилнинг 30 апрелида В. И. Ленинга юборилган бир хат ёдимизга келди. Хатни 3-кавалерия полкининг қизил аскарлари ва командирлари юборган. Хат бундай бошланган эди:

«Москва, Кремль, ўртоқ Ленинга. Сизни бутун дунё революцион пролетар байрами 1 Май билан табриклаймиз. 3-кавалерия полкининг қизил аскарлари ва командирлари номидан (байрамни) революцион ютуқлардан тўла фахрланган ҳолда ва бу ютуқларни қадоқли қўлларда маҳкам ушлаб туришга бўлган зўр иштиёқ билан кутиб олишни ҳамда уни фахрланиб нишонлашни истаймиз.

Биз, 3-кавалерия полкининг қизил аскарлари ва командирлари ўз қисмимизнинг янгидан ташкил қилинишида ва ўзимизга қаттиқ топширилган жанговар участкани қурнқлашда жуда оғир аҳволга тушиб қолганимизга қарамай, 1 Майни баланд руҳ билан ва фахрланиб кутиб олмоқдамиз ҳамда шу кундан бошлаб қўлимизга яна қурол олиб 1 Май байрамини эркин ўтказишга халақит берадиган барча текинхўрларни ер билан яксон қилиб ташлашимизга аминмиз.

Шунга қаттиқ ишонамизки, келгуси йил бутун РСФСРда ва унга ёндошган социалистик республикаларда бирорта ҳам текинхўр бўлмайди ва ўшанда революцион байрам — 1 Майни эркин равишда байрам қиламиз».

Юқорида келтирилган сўзлар босмачиларга, ички ва ташқи душманларга қарши қаттиқ курош олиб борган меҳнаткаш халқ фарзандлари — қизил аскарлар юрагидан айтилган сўзлардир. Ҳа, ўтмишда 1 Май байрами эркин ўтказилмас эди. Қора булут, зулмат ўз қўланкасини унга ташлар эди. Октябрь қуёши ўтмиш зулматини, қора булут қўланкаларини парчапарча қилиб ташлади.

Мана, бугун бепоён мамлакатимизда, Горка қишлоғида ҳам, Ленинградда — Фин кўрфази соҳилларида ҳам, Мирзачўл — Ховос чаманзорларида ҳам 1 Май байрами шодн-хуррамлик билан байрам қилинади. Гуллар чаманига, байрам алвонига бурканган диёримиз, коммунизм гулбоғларига йўл олган бахтиёр халқимиз байрам намойишларига чиқар эканлар, улуғ доҳимиз Владимир Ильич Ленинни яна бир бор ёдга оладилар ва уни ўз колониаларининг бошида бораётгандай ҳис этадилар. Унга гулдаста тутадилар. Уни абадий барҳаёт раҳнамо дейдилар.

Н. ЭГАМНАЗАРОВ.

## ЯРИМ АСР МУҚАДДАМ

**1 МАЙ.**

Ишчи ва солдат депутатлари Совети озиқ-овқат масаласини муҳокама қилиб, комиссияга нон запасларидан тўла фойдаланишни амалга ошириш вазифаси топширилди, ишириб қўйилган галла запасларини аниқлаш ва уни тортиб олиш, айбдорни жазолаш ваколати берилди.

**3 МАЙ.**

Ишчи ва солдат депутатлари Совети президиуми шаҳар аҳолисига мурожаат қилиб, унда шаҳарда очлик хавфи туғилаётган вақтда озиқ-овқат таъминоти ишларини ўз қўлига олганлиги ва озиқ-овқат комиссияси тузганлигини билдирди.

**7 МАЙ.**

РСДРП Тошкент комитетининг ташаббуси билан Салор ёнида икки мингга яқин ишчи иштирокида митинг бўлиб ўтди. Нотиқлар «демократик республиканинг асосий принципларини ҳар тарафлама таърифлаб» хўжалик вайронгарчилигига қарши кураш масалалари ҳақида гапирдилар.

**13 МАЙ.**

«Наша газета»нинг биринчи бетида «Ўртоқларга мурожаат» босилиб чиқди. Унда Тошкент Совети ишчиларни «Вперед» ва «Рабочая газета»ни кенг тарқатишга чақирди.

Тошкентга фронт орқасида ишлаган 500 ишчи қайтиб келди. Улар шарафига катта митинг ўтказилди.

**15 МАЙ**

РСДРП Тошкент Советининг ташаббуси билан пойтахтдаги икки корхона касаба союзларининг 400 дан ортиқ аъзоси умумий йиғилиш ўтказиб, унда ишчиларнинг ҳаётий эҳтиёжларини аниқлаш ҳамда уларни қондириш бўйича иш олиб борадиган комиссия тузилди.

**18 МАЙ.**

Ўрта Осиё темир йўлининг бош устахоналарида ишчилар митинги бўлиб ўтди. Унда большевик В. С. Ляпин РСДРП номидан партия программаси ҳақида доклад қилди.

**20 МАЙ**

Мусулмон ўқитувчиларнинг 1 Улка съезди маҳаллий аҳолига демократик асосларда умумий маълумот беришни амалга ошириш масаласини муҳокама қилди.

**21 МАЙ.**

Шаҳар скверида РСДРП Тошкент группасининг ташаббуси билан бир неча минг киши иштирокида митинг ўтказилди.

**23 МАЙ**

Кўн ишлаб чиқариш корхоналарининг ишчилари барча заводларда саккиз соатлик иш куни белгилаш, байрам кунлари ишлаганлик учун 150 процент миқдорида маошни ошириш ва ҳоказо талаблар билан чиқди. Заводларнинг эгаллари бу талабларни бажаришга мажбур бўлди.

**24 МАЙ.**

Полвонарикда нўн заводлари касаба союзларининг маҳаллий милатга мансуб аъзолари йиғилишиб, иш ҳақини ошириш, ишчиларнинг иқтисодий аҳволини яхшилашга доир бошқа масалалар юзасидан талабномаларни ишлаб чиқди.

**25 МАЙ.**

«Туркестанские ведомости» босмахонаси ва газета редакциясининг хизматчилари Вақтли ҳукумат вакилига иш ҳақини 30 процент ошириш тўғрисидаги талаб билан чиқдилар.

**26 МАЙ.**

Шайхантовур масжидида фронт орқасида ишлаган ишчиларнинг қайтиб келиши муносабати билан маҳаллий аҳоли митинг ўтказди. Митингда сўзлаган кишилар шаҳардаги оғир иқтисодий аҳвол ҳақида ғазаб билан гапирдилар.



«Ташсельмаш» заводи коллективи бугунги айёмни катта тортиқлар билан кутиб олди. Қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларига 2700 дан ортиқ пахта териш машиналари етказиб берилди. Суратда: колхоз ва совхозларга жўнатиш учун тахт қилиб қўйилган машиналар карвони.

А. Абалян фотолари.

## ПОЙТАХТ ҚУРИЛИШЛАРИГА

Пойтахтдаги 4-темир-бетон буюмлари заводининг 1-цехида иш қизғин. Бетон қориш комбайнларидан тушаётган тайёр бетон плиталар пешма-пеш машиналарга ортилаяпти. Машиналар эса йўлга ошиқади. Негаки, пойтахтимиздаги ўнлаб қурилишлар уларни кутиб турибди.

— Ишларимиз яхши, — дейди бригада бошлиғи Раҳмон ака Саидов, — ишни икки сменада ташкил этганмиз. Қурилишларга аъло сифатли пойдевор блоклари ва деворлар плиталари юборнб турибмиз. Москвалик қурувчилар, қардош республикалардан келган бинокорлар оғирини енгил қилаяпмиз.

Ҳақиқатан ҳам шундай. Бригаданинг Боҳира Газизова, Дмитрий Кравченко, Николай Марковин, Иван Мерзлинтер каби илғорлари байрам ватхасида турнб меҳнат қилишиб ўз топшириқларнни ошириб бажаришди. Ойлик план ҳам албатта бажарилади. Уларнинг ахди шундай.

Т. ХАЛИЛОВ.

## ГУЛДАСТА

Қўлларингга гулдаста ушлаб,
Яна келдинг баҳор байрами.
Гуллар тутдинг бахтим олқишлаб,
Эй, умримнинг фахрли дами!
Истиқболнинг қўйлаб қўшиғин —
Шод кезасан, шавқинг ўзгача.
Космосга ҳам етиб довруғинг,
Таралади хатто ойгача.
Колоннада ўтиб бораман,
Товланади гулиб байроқлар.
Ёшлик маршин айтиб бораман,
Куйга тўлар шаҳар, қишлоқлар.
Қуёш юртин зафарга бошлаб,
Яшнаб келдинг баҳор байрами.
Қутлай сени, бахтим олқишлай,
Эй, умримнинг фарахбахш дамн!

Ашурали АҲМЕДОВ.



# БЕБАҲО ТОШКЕНТИМСАН

Кўҳна ва ҳамиша навқирон Тошкент. Минг йиллар ўтмишдан сўз очгудек бўлса лаббай деб жавоб бера оласан. Тарихинг неча-неча асрларни ташкил этади. Ўтмишда қандай кулфатлар тушмади бошингга. Она юртимизга бостириб келган душманлар неча бор сени ер билан яксон қилмоқчи бўлди, номингни ер юзидан ўчирмоқчи, қаддингни букмоқчи бўлди. Улар зулми остида неча йиллаб ингранднг. Лекин, бош эгмадинг. Қаддингни яна тикладинг, қомат тортавердинг, қудратинг орта борди. Сенй вайрон қилмоқчи бўлганларнинг ўзлари хароб бўлди...

Улуғ Октябрь социалистик революцияси азмн шаҳримизга ҳам саодат, тинчлик ва осойишталик олиб келди. Бахт қўшини порлатди бошинг узра. Юксалиш, камолат сари яшил йўл очиб берди. Ўрта Осиёда революция бешиги бўлдинг, улуғ пролетар революциясининг ҳаётбахш, камбағалпарвар нурини атрофга ёйдинг. Ўша вақтдаёқ табаррук нон шаҳри номини олдинг. Социалистик жамиятимиз туфайли оламга машҳур бўлдинг, йирик саноат марказига айландинг. Бир вақтлар арзимаган иш қуролларини четдан олиб келадиган шаҳарда эндиликда 300 дан ортиқ завод-фабрика ишлаб турибди. Уларда тайёрланаётган турли-туман саноат маҳсулотларни дунёнинг ҳатто ман-ман деган 60 дан ортиқ мамлакати сотиб олмоқда. Тошкент тинчлик шаҳри бўлди, унда тугилган Тошкент руҳи Осиё ва Африка қитъалари устида парвоз этмоқда. Шарқ дарвозаси деган ном қаддига монанд тушди, унинг.

Шаҳар қиёфаси тубдан ўзгарди, гўзал бўлди ва чирой очди. Уфққа туташгудек кенг кўчалар пайдо бўлди, кўпқаватли уйлари самога бўй чўзди, яшил хиёбонлари, кўркам кварталлари кишини ўзига мафтун этди. Э-ҳа, бу азмн шаҳар таърифини тугатиб бўлармиди! Унга ҳасад қилувчилар қаторига табиат ҳам қўшилди. Шаҳарнинг жаҳон халқлари ўртасида обрўси ортаётганлигини кўра олмади, совет кишиларининг яратувчилик меҳнати билан унинг тобора камол топаётганлигига ғаши келди. Баҳиллик қилди. Бутун куч-қудратини бир жойга тўплаб, хуруж қилди, шаҳарнинг тарихидан, ажойиб фаровон ҳаётидан ҳикоя қилувчи бутун борлиғини, порлоқ истиқболини ўз қаърига тортмоқчи бўлди. Уни катта океан тўлқинларига дучор бўлган кема сингари қалқитди, бағрини пора-пора тилиб, тарихига якун ясамоқчи, юксалишига гов бўлмоқчи эди. Лекин шум ниятига эриша олмади, эски... лой уйларни бузиш, шикастлантиришгагина кучи етди, холос. Лекин қурилиш соҳасидаги энг сўнгги ютуқлар асосида қад кўтарган уй-жойлар, ҳашаматли иморатлар зилзила хуружини писанд қилмади.

Тошкентликлар табиий офат олдида эсанкирашмади, қаддилари букилмадигина эмас, балки табиатнинг бу ярамас ҳазилига қарши курашга бошлашди. Шундан сўнг пойтахтимизни таърифловчи эпитетлар сафига жасорат, қаҳрамонлик, довюраклик деган сўзлар қўшилди. Ҳа, бутун жаҳон турли миллатдаги тошкентликларнинг мардоналорлигига, қўрқмаслигига, аҳил-иноқлигига қойил қолди.

Ўзбек халқи бошига тушган бу мусибатга бутун мамлакат ҳамдард бўлди. Қардош республикалардаги етти ёшдан етмиш ёшгача — ҳамманинг фикри-зикри, хаёлида Тошкент бўлиб қолди. Улуғ Ленин асос солган, Коммунистик партия тарбиялаб, ардоқлаб вояга етказган совет халқларининг дўстлиги ва ҳамфикрлиги, бир-бирининг қувончига ҳам, мусибатига ҳам шериклиги, қўлидан келган ёрдамни бир-биридан аямаслиги, ҳар доим, ҳар қандай шароитда бир-бирига ёрдам қўлини чўзишга тайёрлиги яна бир бор катта синовдан ўтди, халқларимиз қардошлигининг нақадар мустаҳкамлиги яна бир бор оламга довруғ солди.

Шу кунларда Тошкентни қайта тиклаш юзасидан умумхалқ ҳашари давом этмоқда. Бутун мамлакат қатнашмоқда унда. Москва ва Ленинград, Украина ва Белоруссия, Қозогистон ва Грузия бинокорлари, арман, қирғиз, озарбайжон, латиш, эстон, туркман — қўйингки она-Ватанимиздаги барча республикалар халқлари вакиллари — қурувчилар ўзбек бунёдкорлари билан ёнма-ён, елкама-елка туриб шаҳарни тикламоқдалар. Улар мардоновор пойтахтнинг вайрон бўлган эски, пастак, кўримсиз уйлари ўрнида улкан массивлар, кварталлар ва кўчалар, ҳашаматли маданий-маиший муассасалар истиқомат қилиш учун ҳамма қулайликлари бўлган осмонўпар уйлар бунёд этишяпти.

Барча қардош бинокорлар аниқ марраларни белгилаб, меҳнат қилишяпти. Ўз мажбуриятлари билан тошкентликларга бир миллион кубометрдан ортиқ турар-жой, ўнлаб маданий-маиший муассасалар қуриб беришмоқчи. Бу уйлар келажакни ҳамшаҳарлар қўлига тезроқ топшириш учун тез ва соз ишлашяпти. Одамгарчилик, бир-бирига нисбатан мисли сиз ҳамият, меҳр-оқибатнинг ёрқин ифодаси эмасми, бу!

Жонажон Тошкентимизнинг бугунги қиёфаси ўтган йилнинг шу вақтидагига тамомила ўхшамайди. Зилзиладан кейин бор-йўғи бир йил ўтган бўлса ҳам, у келтирган офат оқибатларидан деярли ҳеч нарса қолмагандай. Кўчалар, ҳовлилардаги чодирлардан асар ҳам йўқ. Ваҳоланки, ўтган йилнинг 1 — Майини шаҳарликларнинг ўн мингдаб оилалари чодирларда кутиб олишган эди. Шуларни кўз олдингга келтирганингда шаҳар бунёдкорларининг меҳнати, гайрат-шижоатига қойил қоласан. Улар шаънига қанчадан-қанча илиқ, миннатдорчилик тўла сўзлар айтсанг ҳам кўнглинг тўлмайди.

Йилимиз мазмуни асрларга тенг деб бежиз айтишмаган экан. Давримиз, юксалиш суръатимиз шунақа. Шу бир йил ичида фақат давлат маблағлари ҳисобига бир миллион кубометрдан ортиқ уй қад кўтарди. Аниқроқ қилиб айтганда 23 минг 333 квартира тошкентликларни ўз бағрига олди! Қанчалик ёқимли, қувончли бу бешта бир хил сон мажмуаси! Жаҳон қурилиш практикасида ҳеч вақт бундай бўлмаган!

Қардошлар қурган уйларга 15 мингта яқин оила кўчи кирди. Ўн олти мингдан ортиқ аҳолиси бўлган янги йўлдош шаҳар — Сергели қад кўтарди. Шу давр ичида зилзиладан шикастланган 56870 дан ортиқ квартира, 94 мактаб, 74 болалар боғчаси ва яслиси, 54 даволаш муассасалари ремонтдан чиқарилди.

Высоковольтний, қоронамиш массивлари шу бинокорлар меҳнати туфайли ўзини кўз-кўз қилмоқда. Пойтахтнинг жанубн-ғарбида Москва, Ленинград, Украина, Белоруссия, Закавказье, Болтиқ бўйи, Ўрта Осиё, Қозогистон, Молдавия микрорайонлари қомат кермоқда. Ҳашарчилар шаҳарнинг марказий қисмида ҳам қурилиш ишларини қизғин бошлаб юборднлар. Бу бинолар — уйлар, маданий-маиший муассасалар совет халқлари ҳамкорлигига ўрнатилган ҳайкал сингари асрлар давомида қолади.

Янги Тошкент қардош халқлар кафтида қад кўтаради. Бадкирдор офатларнинг зуғуми, хиёнаткорона ҳужумларини ҳам назар-писанд қилмайдиган, аввалгидан ҳам обод, гўзал, кўркам, нафис, катта ва қоматгир, азимкор, яшил либосга бурканган Тошкент барпо этилади. Қурилиш ҳажми бундан буён янада кенгаяди. Юбилей йилида бир миллион 400 минг квадрат метр уй-жой қад кўтаради. Янги беш йиллик давомида қурилади ган уй-жойлар сатҳи қарнб 6 миллион квадрат метрни ташкил этади. Бу зилзилагача бўлган Тошкентдаги турар-жой сатҳига тенг янги уйлар қурилади демакдир.

Йирик шаҳарлар асрлар давомида бунёд этилган. Тошкент эса бир неча йил ичида янада салобатли бўлиб қад кўтаради. Унинг ҳашаматли иморатлари, кенг ва текис йўллари, оромбахш хиёбонлари замонамизнинг энг гўзал шаҳарларидан қолишмайдиган бўлади. Бугунги қутлуғ Май айёмида ана шу олийжаноб мақсад йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилаётган бунёдкорларга катта-катта ютуқлар тилаймиз.

М. МИРҲАМИДОВ.

## БРИГАДАНИНГ ШАХСИЙ ҲИСОБ-КИТОБИ

Чирчиқ трансформатор заводи яқиндагина ўзининг 25 йиллик тўйини нишонлади. Ҳозирда ишлаб чиқаришни планлаштириш ва рағбатлантиришнинг янги системаси бўйича ишлай бошлаган бу корхона биринчи квартал планини реализация қилинган маҳсулот ҳажми бўйича 115 процент бажаришга эришди. Утган йилнинг шу даврига нисбатан салкам 20 процент кўп маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Т. СИХАРУЛИДЗЕ.

## БАЙРАМ ДАСТУРХОНИГА

«Ўртоқ» кондитер фабрикаси коллективи 1 Май байрамини дуруст меҳнат ютуқлари билан кутиб олди. Қандолатчилар 4 ойда пландан ташқари 212 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардилар. Фабрика коллективи меҳнаткашларнинг байрам дастурхони учун қатор янги ширинликларнн ўзлаштирдилар.

Шу йилнинг ўтган ойлари ичида 31 хил янги ширинлик тайёрлаш йўлга қўйилди. Магазин витриналаридан жой олган «Московский», «Ягодка», «Фигурка» «Муза», «Восток», «Ботон» ва бошқа конфетлар шулар жумласидандир.

З. АХТЯМОВА.

УКРАИНА бинокорлари республикамиз пойтахтини қайта тиклашга салмоқли ҳисса қўшмоқдалар. Улар бугунги байрам арафасида яна бир кўпқаватли турар-жойни фойдаланишга топширишди. Уларда ўнлаб тошкентлик оилалар ҳовли тўйлари ўтказишди. Суратда: украиналик бинокорлардан М. Зайченко, (чапда) Н. Колоди, П. Билик, И. Височни ва И. Филипченко ўртоқлар.

## ҚАЛБ ТАРОНАЛАРИ


Шод кўнгил қўшиқ истайди. Шунинг учун бўлса керак, шодиёна байрамларимиз тонги одатда дилрабо куй ва қўшиқлар билан отади. Бутунги 1 Маймиз тонги ҳам ўзгача латофат касб этади. Эрта-эрталабданоқ радио тўлқинлари бўйлаб май тароналари янграйди.

Ҳа, Ўзбекистон радиоси ўз тингловчиларига муносиб байрам тароналарини ҳозирлади. Дилларни хушнуд этувчи дилрабо куй ва қўшиқларидан иборат программалари тингловчиларга ҳавола этилади.

Бугун радио ўз эшиттиришларини «1-Майни қўшиқ билан қаршилаймиз» деган концерт программаси билан бошлайди. Яқинда республика бастакорларининг янги ёзган асарлари муҳокама қилинган эди. Янги асарларнинг аксарияти 1 Майга бағишланганди. Концерт программасида ана шу қўшиқлар ҳам ўрин олди.

«Баҳор ва севги». «Чин қалбдан» номли музикали композициялар ҳам радиотингловчилар дилларини хушнуд этади.

Тошкент телевизион студияси «эзгнори экран»да кўрсатиш учун «Май — гул фасли» номли концерт программасини ҳозирлади. Ёзилган куй ва қўшиқларини ўз ичига олган бу концерт ҳам бугун намойиш қилинади.



ТОШКЕНТДАГИ сут комбина ти коллективи меҳнаткашларнинг байрам дастурхонига кўплаб сут маҳсулотлари етказиб берди. Суратда: корхонанинг илғор аппаратчиси Абдусалий Юсупов иш устида.

А. Тўраев фотоси.

# ЭЛЛИГИНЧИ БАҲОР

Баҳор! Нақадар оҳанграбо эшитилади бу сўз. Қалбингга ҳудди шалола каби қуйилади, хаёлингда оромбахш музика садолари каби кезади. Исми жисмига монанд фасллар асили. Осмон ложувард, борлиқ алвон гуллардан сарпо кийиб, муаттар бўйга чўмилган. Бепоён далалар, кир ва адирлар бугун зумратранг. Тоғ қояларидан ошиб, қўнғироқ соз чалиб, тошдан тошларга ўрилиб пишган сувлар ариқларда, анҳорларда, каналларда лиммо-лим. Боғ-роғларни чақ-чақка тўлдирган қушлар наъмасидан қалбингда ажиб ҳис, тотли ҳаяжон!

Бу йилги баҳор бутун кўрки, файзи, улуғворлиги билан кўзларга нур, дилларга шодлик тўлдириб келди. Биланларга толмас куч, белларга тугалмас қувват бағишлаб, кишиларда эзгу ният, олижаноб мақсад, қиёссиз ватанпарварлик ва мисли кўрилмаган жасорат туйғуларини парвоз эттириб келди.

Шундай. Эллигинчи йил баҳорининг нашидалари ўлкамиз бўйлаб кезиб юрибди!

Ҳамиша навқирон, ҳамиша баркамол ва соҳибжамол бу баҳор миллион-миллионларнинг азиз раҳнамоси, улуғ доҳиси Владимир Ильич Ленингдан авлод-авлодларга абадий мерос! Бу баҳор — Ленининг ўзи асос солган, ўтли курашларда пўлатдай тобланган, ўткир заковатли, енгилмас ва кудратли буюк партиямизнинг бизнинг Ватанда Октябрь қуёшини болқитган йили баҳори! Бу баҳор — эксизлик ва зулмни, адолатсизлик ва тенгсизликни емириб ташлаган, меҳнаткаш, жафокаш халқ-ға бахт-саодат, ер-сув, порлоқ келажакни армуғон этган муқаддас йилимизнинг баҳори!

Бугунги нур сочиб, гуллар очиб келган май тароналари, тўлқинлари, ках-қахалари боиси ана шундан. Тинчлигимиз, дўстлигимиз, кон-қардошлигимиз боиси ана шундан. Юртимиз ободлиги, хонадонимиз тўқлиги, фарзандларимиз шўхлиги боиси ана шундан!

Ана шу баҳоримизни юрак меҳри билан йўғрилтириб, тобора тўлиштириб, коммунизмнинг чаман боғлари томон мардона етаклаб бораётган Ленин партиясидан, она-Ватандан минг-минг миннатдормиз.

Бугун миллион-миллион совет кишилари дил тўла садоқат, битмас-туганмас меҳру-муҳаббат туйғуларини қалбларига жо қилиб севикли, қудратли давлатимизнинг навқирон эллик ёшга тўладиган шодиёна кунини муносиб меҳнат совғалари билан нишонлаш орзуси билан яшамоқдалар. Улар Октябрь баҳори қуёши оғушида, оппоқ тонг оғушида келажакка комил ишонч билан дадил туриб боқмоқдалар. Ўзларининг кенг яратувчилик имкониятларида тарих билмас зафарлар ортиб бормоқдалар.

Ишчи ўз дастгоҳи ёнида сергак турибди. Олим халқ бахти учун — янги кашфиёт устида. Деҳқон эл дастурхонини нозу-неъматларга бой этиш учун курашда. Ҳар бир совет кишиси: улуғ тўйга ўз халол меҳнатимининг мевасн билан келсам дейди, арзигулик, манзур бўларлик шахсий совғам билан келсам дейди.

Бугун бепоён пахта далаларига завқ-шавқ билан боқамиз. Кафтдек текис, минг-минг гектарлаб майдонларда қуёш билан юзма-юз кўришиб, шу баҳор шабадасининг майин эпкинида сокин силкинаётган гўзалар майсаси дилларни хушнуд этади. Олтин куз палласининг тог-тог «оқ олтин» хирмонларидан дарак беради. Кузу-кишнинг аччиқ изғиринларига бардош бериб, ер кўксини юмшатган, тупроқни юрак кўри билан элаб, пешона тери билан мўл ҳосил уруғини қадаган она-ер миришкорларига тасанно ўқийсан!

Пахтакор! У ўз касбини улуғлайди, уни шон-шуҳратга бурқаш учун белни боғлаб, ўзни чоғлаб меҳнат қилади. Унинг нияти бутун, мақсади олижаноб. Серқуёш республикамиз мардумайдон пахтакорлари жонажон мамлакатимизнинг эллигинчи йили баҳори остонасида туриб: бу йил она-Ватанга 4 миллион тонна ўзбек «оқ олтин»ини армуғон этишга аҳду-паймон қилишди. Пойтахт областимизнинг миришкорлари бу йил Ватанга 330 минг тонна олтин дурдонаетказиб бериш шиорини ўртага ташлашди. Улар бу йил ҳам машина терими нинг авангардлари бўлиб майдонга чиқадилар. «Зангори кема»лар бункерларидан эл хирмонига 185 минг тонна зар тўкадилар.

Областимиз пахтакорларининг эндиликда юзлаб, минглаб турсунойчилари бор. Тюпкочилари, тошматовчилари бор. Улар «оқ олтин» ишқи билан ёнган кишилар. Улар деҳқончиликда техниканинг қучи-қудратига суянган, уни ўзларига чинакам қанот деб билган, техника муъжизасини амалда исбот қилиб кўрсатган, янгиликка ихлос қўйган, ҳиммати баланд, иродалари букилмас кишилар. Кеча яқиндагина бизнинг республикамизда жаҳонга манзур пахта териш машинасини ихтиро этган билимдон дўстларимиздан бир группаси энг олий, энг юксак Ленин мукофотига сазовор бўлишди. Улар орасида областимизнингина эмас, республикамизнинг фахри бўлган Турсунойимиз — хотин-қизлар орасида терим машиналари капитанлари бўлиш ташаббусини кенг қанот ёздирган ифтихоримиз бор. Бу областимиз пахтакорларининг кувончига кувонч қўшди. Эллигинчи йил баҳорида эшитилган бу хушхабар дилларни хушнуд этди.

Бугун далаларни яёв кезиб Бекобод фарҳодларининг, Оқ-қўрғон ва Бўка марду-майдонларининг, Янгийўл ва Ўрта Чирчик миришкорларининг, Оржоникидзе ва Калинин районлари азаматларининг мўл ҳосил учун кураш тўлқинларида жавлон ураётганлигини кўрган киши рахмат, дейди. Уларнинг ўз аҳдлари уддасидан чиқиш, улкан юбилей тўйига сафма-саф зар ортган карвони билан келиш, эл-юртга ёруғ чеҳра билан боқиш орзулари кенг қанот ёзаётганлигининг шоҳиди бўлади.

Туяўркач кенг адирларда, тог этакларидаги зумрад яйловларда бўламиз. Дилкаш чўпонлар билан суҳбат қурамиз. Най садоларини, дўмбира тароналарини эшитамиз. Ҳамманинг чеҳрасида табассум кезади. Май шодиёналари баҳор латофати билан эгизак бўлиб, дил қитиқлаб ҳузур бахш этади. Ғайратшижоатга минбириб, халол меҳнатга руҳлантирадн. Ўртоқ чорвадор, баҳор байрамнинг муборак, эллигинчи йил баҳорида сенга ҳар қачонгидан улкан зафар ёр бўлсин, деб мадад руҳини бахш этади!

Чорвадорлар — отар-отар қўй, пода-пода мол, уюр-уюр йилки эгалари элатлар ёғ-гўштга сероб бўлсин, юртда тўқчилик, маъмурчилик бўлсин, деган орзу билан яшайди. Ана шу орзу билан қирлар оша, яйловлар оша меҳнат гаштини суради.

Инсон умридан ўзга не азиз, не мўътабар. Нон азиз, нон мўътабар! Қўёш қулоч боққан баҳор тонгида, поёни йўқ адирлар, қирлар оша, кезганингизда, бўйлари бел билан ўпишган, шабада эпкинида денгиз каби мавж урган галлазорларни кўрганингизда нақадар завқ-шавқ эмасиз, дилингиз нақадар хушнуд тортади. Ха, кўп ўтмай кўз ўнгингиздаги шу яшилзорларда олтин бошоқлар пайдо бўлади. Шу олтин бошоқлардан уюм-уюм галла хирмонлари бунёдга келади. Бу хирмонлар эл-юртга нон билан ош армуғон этади. Сиз яхши биласиз, бу ерларда юзлаб, минглаб юқори ҳосил усталари бор. Адирлар бағрини, қирлар бағрини мовутдида соз агдариб, сара уруғ сепган шерлар шу ерда, галлазор денгизда сузиб, машиналар кузовига тонна-тонналаб олтин дон тўкадиган марди-майдон комбайнерлар шу ерда. Улар юбилей йилида она-Ватанга эллигинчи йил баҳорининг 130 минг тоннадан ортиқ гавҳар донини тортиқ этади.

Областимиз сабзавотчилари эллигинчи йил баҳорини ўзгача гайрат, ўзгача шижоат билан қарши олишди. Аҳир уларнинг дили тўрида жонажон Тошкент турибди. Пойтахт жамолини очаётганлар, зилзила етказган жароҳатга малҳам қўйиш учун жанговар курашга отланганлар турибди. Уларнинг калбидан Тошкентимизга мадад қўлларини чўзаган, биз билан елкама-елка, сафма-саф турган қардош республикалик дўстларимиз, ёр-биродарларимиз меҳри-муҳаббати ўрин олган. Улар эллигинчи йил баҳорини шу ерда — қурилиш фронтида қучоқ ёзиб қарши олдилар. Улар улкан юбилей тўйи тонгида шу ерда, даврамизда бўладилар. Улар жонажон Тошкентимизнинг бир қўпгина хўжаликларда барвақт ташланган уруғ қийғос ва текис униб чиқди. Яшил квадратлар пайдо бўлмоқда. Суратда: Бўка районидаги Ильич номли колхозда ғўзага ишлов бериш пайти.

А. Абалян фотоси.

ЎЗБЕКИСТОН ССР Фанлар академияси Электроника илмий текшириш институти олимлари улуғ байрамга ажойиб меҳнат совғалари билан келдилар. Юқори ҳароратли тадқиқотлар лабораторияси ходимларининг ҳам ижодий ютуқлари катта бўлди. Суратда: старший инженер Л. Нечаева лабораторияда.

И. Глауберзон ва В. Сироткин фотоси.

Офтоб чарақлар заррин нур сочиб,
Бугун ажиб кун, байрамдир ажиб.
Қўшиқ жаранги қоплар осмонни,

Тинмасдан оқар одам дарёси.
Қизил майдонда янграйди «Урра!»
Ларзага келар замин ва қурра.

Ипак байроқлар хилпирар кўркам,
Бугун ажиб кун ва ажиб байрам.
Баҳор байрами, тинчлик байрами,

Майнинг овози қоплар оламни.
Дунёда тинчлик қилсин тантана,
Эркин улуғлаб учсин тарона.

Меҳнат, Қардошлик, Саодат ва Бахт
Инсонга ҳамроҳ бўлсин ҳаммавақт!
Шундайин хитоб этар бу байрам,

# ШОДИЁНА

Одамлар кўнгли мисоли кўклам,
Қувноқ болалар учиришиб шар,
Колонна бўйлаб олға боришар.
Майнинг овози, Майнинг парвози,

Ҳар ёқни тутар, йўқдир қиёси!
Офтоб чарақлар заррин нур сочиб,
Бугун ажиб кун, байрамдир ажиб!

Ю. ШОМАНСУР.




## НУР ТАРАТИБ

Республика энергетика ва электрлаштириш министрлигининг корхоналари социалистик мусобақанинг биринчи квартал якунларини жамлаб чиқдилар. Электр қуввати ҳосил қилиш квартал плани 102,2 процент бажарилди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 18,2 процент кўп демакдир.

Ана шу ютуқларда Тошкент электр тармоқлари корхонаси, Ангрен ГРЭСи, Тошкент, Чирчиқ, Оржоникидзе, ГЭС каскадларининг ишчилари, инженер-техник ходимларининг ҳиссаси катта бўлди.

Энергетикларнинг социалистик мусобақасида Тошкент электр тармоқлари корхонаси биринчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлди. Корхона электр қувватини узатиш ва тарқатиш таннархини 2,6 процент камайтириш, эксплуатация қилиш планини 140 процент бажаришга эришди. Ундан ташқари, корхона тежамкорлик соҳасида ҳам катта зафарга эришди. Шу йилнинг ўтган тўрт ойи ичида пландан ташқари 14400 сўм жамғариб қолинди.

Социалистик мусобақа илғорларига катта пул мукофотлари берилди.

## ИПАКЛАР ТОЙ-ТОЙ

Пойтахтдаги пилланашлик фабрикасининг коллективи муддатидан олдин — 28 апрель куни товар маҳсулоти ишлаб чиқариш тўрт ойлик планини бажарди. Маҳсулотнинг пландаги 53 процентн ўрнига 70 процентн биринчи сортга топширилди.

Пилланашлар республикамизда ўтказилаётган иқтисод қилиш ва тежамкорлик кўригига жавобан 2600 килограмм ипакни тежаб қолишга эришдилар. Бу 26 минг сўм демакдир.

Корхонанинг Нури Муродбекова, Матлуба Абдиева ўртоқлар бошқараётган бригадалари айниқса юқори кўрсаткичларга эришди. Улар аъло сифатли маҳсулот топшириб квартал планларини ортиғи билан бажардилар.

Байрамгача фабрика пландан ташқари 17 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди.

# ДАЛА ЧИРОЙИ



# ЯШИЛ КВАДРАТЛАР

Аввал ҳамкасбларимизни, шаҳарлик биродарларимизни бутун дунё меҳнаткашларининг халқаро бирдамлик куни 1 Май байрами билан табриклайман. Байрамларингиз муборак бўлсин, азиз биродарлар.

Колхозимиз аъзолари юбилей йилида юксак марраларни эгаллаш учун курашни бошлаб юборнб, 1 Май байрамини янгиданянги ютуқларга эришиш билан кутиб олмоқдалар. Бу йил колхозчиларимизнинг н и я т л а р и катта. Улар Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллик тўйини пландаги 4000 ўрнига 4500 тонна пахта етиштириш билан нишонлашга аҳд қилганлар. Бу қуруқ гап эмас. Аввало 1850 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан олинадиган ҳосилни 3,4 центнердан ошириш керак деган ўзи. Деҳончилик маданиятини кўтариш, пахтани эртароқ етилтиришга интилиш демакдир.

Колхозчиларимиз бутун масъулиятни тўла ҳис қилган ҳолда юбилей йилида ўз сўзларининг устидан чиқиш учун ўз ишларига меҳр қўйиб астойдил ишламоқдалар. Бу йил ерлар яхши ва сифатли тайёрланган ҳолда чигит қисқа муддатда барвақт экиб бўлинди. Шунинг учун ҳамма пахта майдонида чигит бир текис дурқун униб чиқди. Натижада май байрами арафасида ғўза парваришн қизитиб юборилди.

Бизда ажойиб пахта усталари, колхозимизнинг пешқадам кишилари бор. Хайитбой Боботоев бошлиқ бригада аъзолари 130 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил етиштиришга бел боғлаганлар. Тўлаган Холиқулов, Умар Тошев, Уммат Алиев сингари ўртоқлар колхозимизда кўпчиликнинг ҳурматига сазовор бўлган звено бошлиқларидан ҳисобланадилар. Улар раҳбарлик қилаётган звенолар бу йил ҳам экилган чигитнн бир текис унднриб олишда, ғўза парваришини бошлаб юборишда, яшил квадрат ҳосил қилишда олдинда бормоқдалар.

Бу йил колхозимизда 400 гектар пахта майдонига квадратуялаб чигит экилган эди. Ҳозир шу ерларда яшил квадратлар яшнаб турнпти. Бундан ташқари 1000 гектар пахта майдонида тракторлар кундалангига юриб яшил квадратлар ҳосил қилдилар. 1100 гектар пахта майдони бир марта ўзунасига культивация қилиб чиқилди. Дурқун ғўзалар мўл ҳосил нишонаси бўлиб, кўзларимизни қувонтириб, дилларимизни яйратяпти.

Айни пайтда ғўзалар яганага келиб қолди. Ҳадемай бу муҳим агротехника тадбирини ҳам бошлаб юборамиз. Уни пилла қуртига кўп ишчи кучи талаб қилинадиган қизғин кунлар бошлангунча асосан тамомлаймиз. Биз меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлик куни — 1 Майни қизғин меҳнат вахтасида туриб кутиб олмоқдамиз.

Ў. ЖАРҚИНБОЕВ,
Бўка районидаги Ильич номли колхоз раиси.



# ОЛТИН ТОНГ

(ЛАВҲА)

МАЙ тонги — баҳор байрамининг олтин тонги...

Баҳор ажойиб ҳислатларга эга: тонгдаги куртак оқшомда ғунчага, оқшомдаги ғунча эса, саҳарда чечакка айланади... Баҳор шоҳи тугунчагини ечиб, бор бисотини кўз-кўз қилади. Бу тугунчада келгусининг нозу-неъматлари муҳайё...

МАЙ тонги — баҳор тонги...

Баҳор келиши билан паррандалар жупак-жупак учишади, уя қуриш нияти билан чўп-хас ташишади. Чаманларда пайдо бўлган булбул зумрад япроқлар орасига яширинib, муҳаббат қўшиғини тараннум этади. Ошиғининг келганидан воқиф бўлган гул ғунча ёради-ю, ҳаё қилганиданми, қип-қизариб кетади, шодлигидан ял-ял товланади...

Баҳор келди.

Фазилатли баҳор файз билан келди. У, хуснига-ҳуси қўшиб, келинчаклардек ясаниб, сепини ёйиб келди. Ер — бахмалдек яшнади, олам атласдек товланди. Баҳор сарпоси ҳаммамизни ҳушнуд қилди. Унинг муборак қадами билан совхозларнинг ишчилари ҳам, колхоз деҳқонлари ҳам ялпи далага чиқишди.

Янгийўлдаги Ҳ. Турсунқулов номли колхоз механизатори Алфия Мирзакосимова шу баҳордан комплекс механизациялашган звенога бошлиқ қилиб тайинланди. У: «колхозимиз дала гвардиячилари билан ёнма-ён туриб, эндилнкда турли маркадаги трактор ва қишлоқ хўжалиги машиналарини бемалол бошқараяпман. Юбилей йилида ўттиз беш гектар майдонда «оқ олтин» етиштирамиз. Октябрга муносиб тўёна ҳозирлаш ниятида гектар бошига 40 центнердан пахта ҳосили олишга аҳд қилдик» деб эрта баҳордаёқ ваъда қилди. Ҳамкасблари ҳам бу сўзни қўллашди. Ҳозир ғўзалар барқ уриб кўкарди. Яшил квадратлар кўзни қамаштиради. Меҳнатсеварлар шу мурғак кўкатлар устида гиргиттон...

Колхозчининг фидокорона меҳнати билан етиштирилган пахта қизларимиз кийганда ярашадиган, аҳоли дидига ўтирадиган кўримли газлама бўлиб тўқилгунча хилма меҳнат жараёнларини босиб ўтади. Демак мағиздек чигит шоналаб кўсак туккунча қанча парвариш ва меҳнат талаб қилса, пахта заводларида машиналар тозалаган толанинг тўқима ҳолига айланиши учун ҳам шунча меҳнат, меҳр-муҳаббат, моҳирлик керак, албатта. Зеро, ўз даласида пахта ўстирган звено бошлиғи — колхозчи билан, шу ҳосилдан оқсурп, сатин, гулличит, дока тўқиган тўқувчи қизнинг ҳалол меҳнати қадр торозусида бирга улчанади. Ҳар иккала меҳнат ошиғининг ютуғи ҳаёт торозусида баравар тош босади.

Сочларини дурра устидан чамбарак қилиб танғиб олган ўзбек қизи Марзия Турсунхўжаева пахтакорлар етиштирган пахтадан газлама тўқийди. Ўн беш йилдирки у, Тошкент тўқимачилик комбинатида ишлайди.

— Бизнинг коммунистик меҳнат бригадамиз аъзолари, — дейди у, — элимизни яхши кийинтириш, кишиларимиз учун бежирим, чиройли газламалар тўқиб чиқариш нияти билан яшашади. Юбилей йили ҳамма маҳсулотимизни биринчи навга топширмоқчимиз.

Ҳа, Марзиялар Улуғ айёмга муносиб меҳнат совғаси тайёрлаш иштиёқи билан байрам вахтасида турнишбди. Улар ўн ойлик планни 25 октябргача ошириб бажарамиз деб ана шу баҳор жазм қилишди. Улар Тошкент бунёдкорларига — қуёшли пойтахтимизни қуришга ёрдам қўлини чўзиб келган қадрдонлар дидига мос матоларни кўплаб тўқиб чиқаришга киришишди.

Пўлатойларчи! Тошкентдаги «Юлдуз» тикувчилик фирмасининг тикувчи-мотористи Пўлатой Абдураҳмонова ҳам ўз дугоналари қаторн юбилей йили баҳори астойдил ишга киришди. У, Марзиялар тўқиган газламадан ҳамма ҳавас қиладиган, бинокор кийса ярашадиган, қизлар кийганда кўзлар қувонадиган байрам либосларини кўплаб тикиб чиқаришга ҳисса қўшяпти.

Юбилей йили ҳамма сидқидил ишлаяпти. Буни биз жонажон Тошкентимизни бунёд этишга улуш қўшаётган бинокорлар мисолида ҳам кўрамиз. Бугун сиз Ленин майдонидан ўтатуриб, минбарларга назар ташланг! Тошкентни қайта тиклаш юзасидан бошланган умумхалқ курашида иштирок этиш нияти билан — Москвадан, Ленинграддан, Киевдан, Отмаотадан, Ригадан, Тбилисидан.... келган дўстларнинг кулган чеҳраларига кўзингиз тушади. Улар ўзбек элатининг кўркига-кўрк қўшадиган чиройли бинолар қуриб, ҳаммамизни хушнуд қилишяпти. Биз улар орасида Пенза шаҳридан келган М. Шашкинни ҳам, Луганск қурилиш поездининг сергайрат бинокори Л. Лукинани ҳам, Олмаликдан келган қурувчи М. Горобцовани ҳам кўрамиз. Л. Кукина ҳозир ҳар сменада минг ўринга бир минг уч юзга етказиб гишт теряпти. Булар кўп. Булар 1-Майни апрель ойи планини муддатидан олдин ўташ билан нишонлашяпти.

...Анҳор ёқасида гуллаган олча тагидаги кўм-кўк баррага ёнбошлаган бир тўда ёш-яланг ана шулар ҳақида суҳбатлашяпти. Олча гуллари орасидан шўълаланаётган қуёш ёгдуси уларнинг юзларида жимир-жимир яйрамоқда.. Қулоғига лола тақиб олган қиз айқириб оқаётган сувга Анҳор қирғогидаги чучумуламаларни юлиб ташлар экан, шоирларнинг радио орқали ўқиётган шеърларини мароқланиб тингламоқда. Балки, бахтиёр дугоналарини баҳор гулларига ўраб ташлагиси келаётгандир шу тобда унинг...

МАЙ тонги — баҳор тонги...

Баҳор ажойиб ҳислатларга эга: тонгдаги куртак оқшомда ғунчага, оқшомдаги ғунча эса- саҳарда чечакка айланади... Баҳор тонгида боққа чиқиб, арик бўйларида, дарахтларда ранго-ранг товланиб турган гулларга, қирларда ва томларда ялғял ёниб турган лолаларга завқ билан назар ташлаган улуғ шоиримиз Ғафур Ғулом ўша ондаёқ ҳаяжондан шеър айтган эди:

Ўзбекнинг томини томоша қилинг,
Байрам либосидай ясатган бошин —
Ҳечқандай уста ҳам тўкий олмайди,
Оламнинг мунчалик атлас-кумошин.
Она юртимизнинг ўғил-қизлари,
Майингиз муборак қуёшингиздек.
Ўпишинг, кулишинг ўйнанг, гул тақинг!
Муборак қутлуг кун ўз ёшингиздек.


Неъмат ТОШПЎЛАТ.

## ГУЛЛАР ТЕРИБ

Табиат ясанган, беғубор,
Ҳисларимни эркалар баҳор,
Гуллар териб, боғлардан атай,
Яна келди гўзал Май.
Эл бахтидан қўшиқлар айтиб,
Шўх қизларни қувноқ ўйнатиб,
Юракларда чалиб рубоб, най,
Яшнаб келди, гўзал Май.

Байроқлар ҳилпирар оловранг,
Юрт гулга бурканган ранг-баранг.
Севинчлар жўшади дарёдай,
Салом баҳор, гўзал Май!

Шавкат ТУРОБОВ.



● Байрам кунларида Тошкентдаги «Дружба» кафесига марҳамат қилишингиз мумкин. Кафе ходимлари хўрандалар учун алоҳида байрам дастурхонларн ҳозирлашди. Суратда: (чапдан) кафе пазандаларидан В. Першин, Ш. Абдуллаев, В. Тарасова ва А. Пўлатов ўртоқлар иш устида.

● Бу ҳашаматли бино кичкинтойларга Май байрамн олдидан муносиб совға бўлди. Ҳа, Тошкентдаги 71-болалар боғча ва яслисига армуғон этилган бу бинода меҳнаткашларнинг 280 фарзанди тарбияланади.

Аввал ҳам шу ерда боғча биноси жойлашган эди. Аммо, Тошкентда юз берган табиий офат — зилзила вақтида бино бузилиб, ишдан чиқди. Қўли гул бинокорлар шу боғча учун янги бино қуришга киришдилар. Орадан бир йил ўтар-ўтмас икки қаватли болалар боғчаси биноси битказилди.

Суратда: (ўнгда) боғча ва яслининг очилиши куни.

А. АБАЛЯН фотолари.



# Ташвиш

Ғани Шаҳбозов катта кресло да ястаниб ўтирибди. Унинг олдига ҳовлиқиб бири узун, бири қисқа иккита одам кириб келди.

— Ғафлатда қолибмиз, хўжайин, ғафлатда қолибмиз,—деди Узун.

— Тезда бирор чора топмасак бўлмайди, хўжайин, — деди Қисқа.

— Ўтирларинг! — жеркиб берди Шаҳбозов, — ўв, неча марта сенларга айтганман, воҳима бўлмаларинг деб.

Узун билан Қисқа ҳарсилланганларича стулга ўтирдилар.

— Э, мияинг қурсин сенларни! Хўп, қани энди ётиғи билан гапирларинг, нима гап ўзи?

— Гап шуки, эртага бойрам, — деди Узун.

— Шуми? Буни ўзим ҳам биламан!

— Тўғри биласиз. Лекин бошқа гап бор. Бизнинг муассасамизда байрамларнинг зеб-зикарли ўтиши, бу масалада ўзи бўларчилик кайфияти борлиги ҳақида юқоридаги баъзи ўртоқларга хабар етибди. Шунинг учун бу галги байрамни муносиб ўтказишимиз, кулги планини тўлдиришимиз керак.

— У нима деганинг?

— Яъни масалан, муассасамиздаги ходимларни кулдиришимиз керак, — деди Қисқа.

— Акс, ҳолда. байрамни ўз муассасангизда қандай ўтказдинг деб сўраб қолсалар ни ма деб жавоб берамиз? — деди Узун.

— Ҳм... ходимларни кулдириш керак... — Шаҳбозов оғир муаммони ҳал қилаётгандек бироз сукут қилди. Кейин қарор қабул қилди. — Хўш, кулдиринг!

— Қандай қилиб? — сўради Узун.

— Ўйлаб топларинг. Нега энди ҳамма ишни мен қилишим керак. Сенлар ҳам мияларингни ишлатларинг,қанақа ёрдамчисанлэр ўзларинг?

— Хўп, хўжайин: миямизни ишлатамиз, — деди Қисқа.

Шаҳбозов бир нуқтага, Узун ерга Қисқа шипга тикилди. Ўйлай бошладилар. Кейин баравариға хўрсиндилар.

— Нега хўрсинасанлар?

— Ўзларнам хўрсиндилар, шекилли, хўжайин...

— Мен сенларни ношудликларингдан хўрсинаяпман. Менн хуноб қилмай тезроқ ўйлай қолсаларинг ўласанларми?

— Ўйлаяпмиз, хўжайин, ўйлаяпмиз!

Узун билан Қисқанинг яна нафаси ичига тушиб кетди...

— Бировни кулдириш ҳам осон эмас, қип-қизил ғурбат экан. Уф, шу ташвиш камлик қилаётган эди, — йиғламсираб гапирди Шаҳбозов.

— Ташвиш эмас, кулги хўжайин, — деди Узун.

— Э, гапга алақсимай ўйлачанглар!

Узун билан Қисқа яна ўй суриб кетдилр. Бир маҳал Узун сакраб турди.

— Топдим, хўжайин, топдим!

— Э, топмай ўл, одамни ўтакасини ёриб юбординг-ку.

— Узр, хўжайин...

— Гапир нима топдинг?

— Кулдириш йўлини топдим.

— Қандай йўл экан?

— Қитиқлаб кулдирамиз.

— Қитиқлаб?

— Ҳа, мана бундай, —Узун панжасини бинга қилиб Шаҳбозовни қитиқлайди. — Вуй, вуйвуй, вуй-вуй...

Шаҳбозов қотиб-қотиб кулади.

— Ҳа, хўп, бўлди, бўлди, суюлма деяпман.

Узун ўзидан мамнун бир қайфиятда қўлларини ишқалаб жилмайди. Шаҳбозов кулгидан аранг ўзини тўхтатиб олгандан кейин:

— Тузук, мияинг тузук... — Бирдан Шаҳбозов белидан пастроғини бир нарса чақиб олгандек ирғиб турди. — Ие, тўхта! Хўп, эркакларнику қитиқлаб кулдирамиз, аёлларни нимз қиламиз! Аёлларга тегиб бўлармиди, қулоқ чакнангга қараб тарс этиб тушуриб қолади, мана сенга қитиқлаш деб.

— Ҳа-я, тўғри, — деди Қисқа, — энди нима қиламиз, хўжайин?

## ҲИКОЯ

— Нега ҳамма нарсани мендан сўрайсанлар? Ўзларинг ҳам миянгни ишлатларинг!

— Ишлатамиз, хўжайин, ҳозир ўйлаб буни ҳам йўлини топамиз, — деди Узун.

Узун билан Қисқа яна хаёл оғушига сингиб кетишди. Бу ҳавотирли сукунатда фақат Шаҳбозовнинг хириллаб нафас олиши эшитиларди. Охири Қисқа бир қўзғолиб олиб аста миғ-миғлади.

— Ҳозир аёллардан биттасини чақирсакда тажриба ўтказсак, Қулса, ҳаммасини ҳам ўшанақа қилиб кулдирамиз.

— Қанақа қилиб?

— Тўғримизга ўтказиб қўямизда, ҳар хил қилиқлар қиламиз. Кулмай кўрсинчи.

— Қилиқ қиламиз?

— Ҳа, қилиқ қиламиз.

— Хўп, — деди Шаҳбозов, кейин Узунга қаради, — бор аёллардан биттасини чақир.

— Хўп, — Узун чиқиб кетди ва кўп ўтмай битта аёлни бошлаб келди. Аёлни ўта илтифот билан қаршиларига ўтказишди. Кейин бирдан Узун билан Қисқа аёлга қараб иш ва-ноз билан жилмайди. Аёл ҳайрон бўлиб ўтираверди. Яна кенгроқ жилмайишди, яна бўлмади, кейин оғзилари йиртилгудек тиржайдилар. Ниҳоят аёл чидай олмади:

— Нима гап, тинчликми ўзи?

Узун билан Қисқа таажжуб билан бир-бирига қаради. Столнинг тагига энгашиб бир нарсаларни пичирлашишди. Кейин бирдан бошларини кўтариб қилиқ қила бошладилар: биттаси оғзини қийшайтириб, кўзини чақчайтиради, иккинчиси бурнини жийириб бўйнини дикиллатади.

— Ҳой, нима бўлди сизларга, жинни-пинни бўлиб қолдиларингми? — сўради аёл.

Узун билан Қисқа ҳайрон бўлиб яна бир-бирига қаришди ва яна столнинг тагига энгашиб маслаҳатлашиб олдилар. Кейин бирдан ўринларидан турдилар. Приёмникни бурадилар, шўх музика янгради. Кейин аёлга кулгили мақомлар қилиб, ўйинга тушиб кетдилар.

— Ҳой, гапирсангларчи, сизларга нимз бўлди ўзи?

Узун билан Қисқа ҳолдан тойиб, бўшашиб, стулларига қайтиб ўтиришади.

— Сизни кулдирмоқчийдик, — деди қорғин овозда Узун.

— Ахир эртага бойрам. Байрамни ўйин-кулги билан ўтказиш керак, — жўр бўлди унга Қисқа.

— Эркакларни кулдириш йўлини топдик, аммо хотинларни қандай қилиб кулдиришни билмай хуноб бўлиб ўтирибмиз. Йиғлаворай-йиғлаворай деб гапиради Узун.

— Вой, омон бўлгурларей, — аёл ўлганнинг устига тепган қилиб мирикиб кулди. Ниҳоят кулгидан тўхтаб жиддийлашади, — буни осон йўли бор.

— А? Қандай? — баравар сўрадилар Узун билан Қисқа.

Аёл олдин Узунга қаради:

— Сиз уйда хотинингизга оқат қилишга ёрдамлашиб юборинг.

Кейин Қисқага ўгирилди: — Сиз кечқурун хотинингизни театрга таклиф қилинг.

Ниҳоят Шаҳбозовга юзланди:

— Сиз кизларингизга гул олиб бориб беринг.

Узун билан Қисқа анграйиб қолдилар.

— Шунда улар кулишадими? — сўради Шаҳбозов.

— Албатта-да! Ўзлари нулмасалар ҳам қалблари кулади, севинадилар. Байрамни хурсандчилик, шоду-хуррамлик билан ўтказадилар, — аёл чиқиб кетади.

Узун билан Қисқа ҳамон оғизларини ланг очиб анграйиб турардилар. Шаҳбозов дўқи уларни ўзига келтиради.

— Э, мияинг қурсин сенларни. Кулдираман деб кап-катта одамлар башарларингни буриштириб ўтирибсанлар-а! Ҳақ гапни мана бу аёл айтди. Ўшани айтганини қилиш керак. Қани қимирлаларинг! Икковларинг ҳозироқ уйларингга югурларинг. Биттанг бориб овқатга унна, иккинчинг театрга жўна. Бассалом.

Узун билан Қисқа мулзамликдан бошларини кўтаролмай судралиб чиқиб кетишди. Шаҳбозов стулнинг суянчигига ўзини ташлади, оҳангига олиб «уф» тортди. Бу хўрсиниқ билан унинг юрагидаги бутун ташвиш чиқиб кетгандек бўлди.

Фарҳод МУСАЖОНОВ.



Ўлкамда Май тонги, кўнглимда баҳор,
Умримни гулларга ўраб келди у.
Сабо эркалади такрор ва такрор,
Бошимда парвона бўлиб елди у.

Н. Муҳаммаджонов фотоэтюди.

## ҚУВОНЧЛИ САТРЛАР

✦ ТОШКЕНТДАГИ 1-пойафзал фабрикасининг коллективи тежамкорлик юзасидан республика кўригини ўтказиш тўғрисидаги Ўзбекистон Марказий Комитетининг қарорига амал қилиб, байрам арафасида иқтисод қилинган ҳомашёдан 10 минг жуфт пойафзал ишлаб чиқарди.

□ □ □

✦ ГИШТ заводининг 1-бошқармаси коллективи 1 Майни меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун курашиб, апрель ойи планини ортиғи билан бажарди. Планда кўрсатилган 5 миллион 100 минг ўрнига 5 миллион 350 минг дона ғишт ишлаб чиқарилди.

□ □ □

✦ 159-ҚУРИЛИШ бошмармаси тўрт ойда 13840 квадрат метр уй-жой қуриб битказди.

□ □ □

✦ ШАҲАР МАИШИЙ хизмат кўрсатиш бошқармаси тўрт ойлик планни муддатидан олдин 26 апрелда бажарди.

Бошқарма байрам арафасида сартарошлар, пойафзал ремонтчиларининг қурилиш майдонларига бориб. Тошкент бунёдкорларига намунали хизмат кўрсатишини ташкил этди. Байрам кунларн аса «заигрон экран» ателъеси район бўлимларида телевизор, радиоприёмник тузатувчи мастерларнинг навбатчилиги ташкил этилди.

□ □ □

✦ ТОШКЕНТ шампан вино заводи «Каберне», «Паркет пуштиси» ва бошқа маҳаллий нав узумлардан шампан виносига ўхшаган «Роҳат» ичимлиги ишлаб чиқара бошлади.

□ □ □

✦ ЎЗБЕКИСТОН Компартияси Марказий Комитетининг Бирлашган нашриётн май ойигача 1 миллион 20 дона китобни босмадан чиқарди.

З. АХТЯМОВА.

## ТОМОШАЛАРГА МАРҲАМАТ

Байрам тантаналари қувноқ куй ва қўшиқларсиз, дилрабо рақсларсиз ўтмайди албатта. Шунинг учун ҳам пойтахтимизнинг барча маданият ва истироҳат боғлари катта программада концерт тайёрлашган. Бундан ташқари концерт заллари, маданият уйлари ҳам меҳнаткашлар ихтиёрига бериб қўйилади. Байрам кунларида эстрада, филармония солистлари ва халк ҳофизлари ижросида катта концерт берилади. Бу концертларда республиканинг атоқли санъаткорлари билан бирга ёш талантлар янги-янги куй ва қўшиклар ижро этишади. Навоий номли, Муқимий номли, Ҳамза номли театрлар ва Свердлов номли концерт залида икки мартадан спектакль ҳамда концерт кўрсатилади.

## СЕЛГА ҚАРШИ КУРАШ

Шу йил 29 апрелга ўтар кечаси областимизнинг тоғлиқ районларида жуда кучли сел бўлди. Гидрометрология хизмати ходимларининг ҳисобларига қараганда бунақа ёғингарчилик яқин йиллар бўлмаган. Ўша кечаси ёққан ёмғир бир-икки ой давомида ёғадиган ёмғирдан кўп бўлган.

Урта Чирчиқ, Оққўрғон, Бўка, Юқори Чирчиқ, Янгийўл, Калинин, Оржоникидзе районлари, Чирчиқ ва Янгиобод шаҳарлари яқинидаги наллар ва дарёлар адрлардан зўр куч билан келган сел оқими натижасида қирғоққа кўтарилиб, дамбаларни, кўприкларни бузиб, пастлик томон зарб билан оқа бошлади. Бу пайт тунги соат 2-3лар эди. Сел оқими канал ва дарёлар сувига қўшилиб йўлда учраган ҳамма нарсани синдирнб, пахтазорларга, боғларга, қишлоқларга, районларнинг марказига бостириб келаверди.

Республика, область ва районларнинг партия, совет, комсомол ҳамда милиция органларининг ходимлари ва ёрдамга келган Тошкент гарнизони солдатлари шошилинч чоралар кўра бошладилар. Дамбаларни тўсиш учун колхоз ва совхозларнинг автобазалари, ташкилотларнинг бульдозер ва тракторлари тезликда сафарбар этилди.

Урта Чирчиқ районига қарашли «Коммунизм» колхози территориясидан ўтадиган Тошкент канали, Оққўрғон районн территориясидан ўтадиган Моргуненко номидаги канал. нинг сув уриб кетган жойлари шошилинч суръатда тўсилди. Бу ишларни бажаришда, тошқинидан зарар кўрган одамларга ёрдам беришда ёшу-кекса, эру-аёл, ҳамма дўстлик, меҳрибонлик, жасурлик намуналарни кўрсатдилар. Юқори Чирчиқ районидаги «Коммуна» колхозининг ини чўпони селда қолган қўй подасини ҳайдаб келаётганда ёғингарчилик кучайиб кетди. Уларни нутқариш учун коммунистлардан Мирза Муллабоев, Мирсоли Галимов ўртоқлар табий офат юз берган томонга шошилдилар ва эрталаб соат 5 да чўпонларни ва қўйларни омон-эсон қутқардилар.

Моргуненко номли каналга яқин жойлашган Оққўрғон районига қарашли «Партия XXII съезди» колхозининг территориясида кучли тошқин бўлди. Колхоз правленнеси ва партия ташкилоти қишлоқ аҳолисини бу табий офатни даф этишга тезда сафарбар этди. Коммунист Х. Парпиев, агроучастка мудири Ойниса Жайловова, 9-ўрта мактаб директорн А. Рустамов ўртоқлар бу ишда аниқса жасурлик кўрсатдилар. Улар бошпанасиз қолган оилаларни бехатар жойларга олиб чиқишда жонбозлик кўрсатдилар.

Урта Чирчиқ район партия, совет, комсомол ва милиция органлари ҳамда ёрдамга келган солдатлар табий офатнинг олдини олишда аҳолига ёқиндан ёрдам бердилар. Тошкент каналининг сув уриб кетган қисмини бекитишда ТошСМУнинг 9, 11, 74, 4- 8-автобазалари шоферлари тинним билмай, асотойдил ишладилар. Натижада 21 соат деганда каналнинг сел олиб кетган дамбалари мустаҳкам қилиб тўсилди.

Районда табиий офат туфайли зарар кўрган одамларга медицина ёрдами кўрсатиш, уларни уй-жойлар, озиқ-овқат билан таъминлаш яхши йўлга қўйилган. Уқитувчилар сафарбар этилиб, ёрдам бериш пунктлари, санитария постлари тузилди. Район касалхоналарига қўшимча равишда 150 кровать қўйилди. 28 жойда умумий овқатланиш пунктлари очилди. Комсомоллар, колхозчилар, ишчи ва хизматчилар, дружиначилар, ўт ўчирувчилар, милиция ва автотранспорт ходимлари тўла сафарбар этилди.

Район канапларда сув тобора пасайиб, нормал ҳолда оқа бошлади. Табиий офат натижаларини тугатиш учун зарур бўлган ҳамма чоралар кўрилмоқда.

## СУВ ТОШҚИНЛАРИ

29 апрелга ўтар кечаси Тошкент, Сирдарё ва Самарқанд областларида қаттиқ момақалдироқ бўлиб арталабгача жала қўйди. Айрим районларда 50—70 миллиметргача ёмғир ёғди.

Жала натижасида сув кўп миқдорда исрофланди ва Чирчиқ, Оҳангарон дарёларида тошқин содир бўлди. Сел оқими халқ хўжалигига жиддий зиён етказди. Кўп жойларда гўза ва бошқа экин майдонлари ювилиб кетди. Уй-жойлар ва давлат қурилишлари шикастланди. Айрим ирригация иншоотлари, йўллар бузилди.

Туркистон, Олой ва Фарғона тоғ чўққиларида кейинги 35 йил ичида энг юқори ҳарорат вужудга келди. Ҳароратнинг юқори бўлиши натижасида қор кўп эриди, Фарғона водийсининг йирик дарёлари ҳисобланган Норин ва Қорадарёда, шунингдек водийнинг бошқа майда дарё ва сойларида сув тошди. Ўтган йили анча-мунча ташвиш орттирган Исфайрамсойнинг яна жилови бўшаб кетди. Юқори ҳарорат ва жала натижасида 28 апрелда Андижонга сув тошди. Тошқин катта зарар келтирди.

**Бу йилги баҳорнинг сертошқин келишига сабаб нима?**

Март-апрель ойларида об-ҳавонинг ўзгариб туриши ўлкамиз шароитида табиий ҳол. Шу вақтларда бизга Ўрта Ер денгизи циклони тез-тез келиб туради. Бу циклон ўзи билан иссиқ ҳарорат ва кўп намгарчилик олиб келади. Тоғ чўққиларн бу намгарчиликни ушлаб қолади ва ёмғир ҳосил бўлади.

Бирок бу йилги синоптик процесснинг характери шундай иборатки, Ўрта Осиёнинг ғарбида, тропосферанинг юқори ва ўрта қатламларида циклон тезтез пайдо бўлиб турибди. Бу циклоннинг Жанубий ва Шарқий чеккаларида Ўрта Ер денгизидан иссиқ ва нам ҳаво оқими келиб кўшилмоқда. Ғарб чеккасидан эса Каспий орқали бирмунча совуқ ҳаво келмоқда. Ана шунинг натижасида атмосферада беқарорлик вужудга келди, момақалдироқ бўлиб, жала ёғди, қаттиқ шамол турди.

**Келажакда нима бўлади?**

3 майгача об-ҳавонинг кескин ўзгариб туриши, момақалдироқ ва қисқа муддатли ёмғир ёғиши, кучли шамол туриши кутилади. Норинда сув аввалгидай кўп бўлади. Сирдарёнинг юқори қисмидан Қайроққум сув омборигача сувнинг кўтарилиши давом этади.

Бироқ, таъкидлаб ўтиш зарурки, об-ҳавонинг ўзгариб туриши аввалгидан бирмунча кучсизроқ, жала эса камроқ бўлади.

А. АВАНЕСОВА,
Н. САПРОНОВА,
Ўзбекистон ССР гидрометеорология хизмати бошқармасининг ходимлари.

## Мамлакатлар Одамлар Воқеалар

### ВЬЕТНАМ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ ТЕПАСИДА УРИБ ТУШИРИЛДИ

**ХАНОЙ. (ТАСС). Америка авиацияси Вьетнам Демократик Республикаси территориясига, шу жумладан Ханой атрофидаги жойларга яна бир неча марталаб ҳужум қилди. Шу ҳужумлар вақтида, дейилади ВИА агентлигининг хабарида, Вьетнам Демократик Республикасининг зенитчилари, дастлабки маълумотларга қараганда душманнинг тўртта самолётини уриб туширганлар.**

### КОЛОМБОДА ОММАВИЙ МИТИНГ

КОЛОМБО. Цейлон прогрессив кучлари томонидан бу ерда уюштирилган оммавий митинг қатнашчилари Хитой ҳукуматига мурожаат қилиб, уни социалистик лагерь мамлакатларига қўшилишга ва биргаликда куч-гайрат сарфлаб, америка империалистларининг Вьетнамдан ҳайдаб чиқарилишига эришишга чақирдилар. Бу эса, Хитойнинг интернационал бурчидир, дейилади митингда қабул қилинган резолюцияда.

### ҒАРБИ-ЖАНУБИЙ АФРИКАДА ҚОТИЛЛАР ҲАРАКАТИ

ЛАГОС. «Ҳозирги вақтда Ғарбий-Жанубий Африкада юз бераётган воқеалар ҳаммани ташвишга солмоқда, дейилади Претория (Жанубий Африка Республикаси)да яшовчи Эрик Стэнлининг Нигерияда чиқадиган «Морнинг пост» газетасида эълон қилинган мактубида.

Мактуб автори яна қуйидагиларни ёзади «Ғарбий-Жанубий Африканинг миллатчилик авжига чиққан Ғарбн-Шимолий ва Шарқий қисмида Жанубий Африка Республикаси ҳукумати яқинда Африка ватанпарварларининг фаолиятини бостириш мақсадида армия ва полиция қисмларини янада кучайтирди. Уч олий операцияларида ҳатто Жанубий Африка Республикасининг ҳарбий ҳаво кучлари ҳам қатнашди.

Ана шу операциялар натижасида кўпгина қишлоқлар ёндириб юборилди, Абенаб қишлоғида эса, Ғарбий Германия мутахассислари томонидан яратилган янги химиявий қуроллар қўлланилди».

Мактубда айтиладики, Жанубий Африка республикаси маъмурлари Ғарбий-Жанубий Африканинг африкалик аҳолиси орасида оммавий қамоққа олишларни кучайтирмоқда.

Мактуб автори Ғарбн-Жанубий Африкадаги бундай фожиага диққат-эътиборни жалб қилишга чақиради.

### АФИНА КЎЧАЛАРИДА ВАРАҚАЛАР

НЬЮ-ЙОРК. Афина кўчаларида демократия ва озодликни ҳимоя қилишга чақирган варақалар пайдо бўлди. Ассошиэйтед пресс агентлигининг хабар беришича, бу — 21 апрелда фашистлар исёни натижасида ўрнатилган янги режимга қарши оппозициянинг дастлабки ифодасидир.

### АҚШДА ЙЎЛДОШЛАР УЧИРИЛДИ

НЬЮ-ЙОРК. АҚШда Кеннеди бурунидан «Титан—III—С» ракетаси ёрдамида ернинг бешта сунъий йўлдоши учирилди. Ер йўлдошининг иккитаси «Вела» сериясидаги ҳарбий йўлдошлардир.

## Реклама ва Ғалонлар

## ТЕЛЕВИДЕНИЕ

### 1 — МАЙ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

8.45 — **Туркистон Харбий Округи қўшинларининг паради ва Тошкент шаҳар меҳнаткашларининг намойиши** (В. И. Ленин номидаги майдондан репортаж).

12.45 — Ҳарбий парад ва Меҳнаткашлар намойиши (Москва шаҳар Қизил майдонидан репортаж).

Ўзбек тилида: 16.00 — **Салом Май** (болалар учун), 16.40 — **Хайвонларни ўргатувчи** (болалар учун мультфильм).

16.50 — **Цирк болалари** (рус тилида ҳужжатли фильм).

17.20— **Фитиль** (сатирик киножурнал), 17.30 — **Севги ва лимандрлар** (кинокомедия), 18.45 — **Баҳор, Май, ёшлик** («ЕШЛИК» студияси), 20.15 — **Огонёк** (рус тилида).

22.15 — **Май — гул фасли** (концерт).

24.00 — **Москва кўрсатади.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Тошкент кўрсатади

12.40 — **Тошкент шаҳар меҳнаткашларининг намойиши** (репортажнинг давоми), 13.30 — **Хайвонлар сахнада** (кинофильм).

13.40 — **Қувноқ болалар** (рус тилида кинокомедия).

### 2 МАЙДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 10.55 — **Эшиттиришлар программаси**, 11.00— **Май гуллари** (болалар боғчаларида тарбияланувчилар концерти), 11.30 — **Хазина** (кидирувчилар (мультфильм), 11.40 — **Хўжа Насриддиннинг 12 қабри** (кинокомедия).

13.00 дан — **Москва кўрсатади.**

Тошкент кўрсатади

Ўзбек тилида: 16.55 — **Эшиттиришлар программаси**, 17.00— **Қувноқ оҳанглар** (болалар учун концерт), 17.40 — **Болалар учун мультфильм.**

18.00 — **Москва кўрсатади.**

Тошкент кўрсатади

21.20 — **Экран нуйлари**, 22.50— **Мафтунингман, гўзал Май** (байрам концерти).

24.00 дан — **Москва кўрсатади.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

17.30 дан — **Москва кўрсатади.**

### 3 МАЙДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 17.55 — **Эшиттиришлар программаси**, 18.00 — **Телевизион янгиликлар**, 18.15 — **Ленин юлдузлари порлайверсин** (мактаб ўқувчилари учун), 18.55 — Ярим аср йилномаси. Ойбек Уч (поэмаси асосида радиоинсценировка), 19.20 — **Бадний ҳаваскорлар концерти.**

20.00 — **Телевизион янгиликлар** (рус тилида).

20.20 дан — **Москва кўрсатади.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 17.55 — **Эшиттиришлар программаси**, 18.00 — **Қизиқувчи сичқон** (болалар учун мультфильм), 18.10 — **Уқувчи календари** (ёшлар учун), 18.35 — **Телевизион янгиликлар**, 18.45 — **Китоб оламида**, 19.15 — **Хўжайин ва хизматкор** (кинофильм) 19.45— Конград Качо. **Витязь Янош** (оперетта).

Ўзбек тилида: 21.00 — **Телевизион янгиликлар**, 21.10 — **Ҳуж. жатли фильмлар**, 21.30 — **Палата** (бадний фильм).

## КИНО

### 4 МАЙДА

**Гуноҳкорлар мактаби** — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун); «СПУТНИК» (кечқурун); САНЪАТ САРОЙИ (эрталаб соат 11, кундуз 1 ва 3 да).

**Ғазаб** — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

**Энг омадсиз кун** — «МИР» (кундуз ва кечқурун).

**Уруш ва тинчлик** (1 ва 2 серия) — «ЎЗБЕКИСТОН (кундуз ва кечқурун).

**Виждон амри билан** — «СПУТНИК» (тоқ соатларда).

**Наташа Ростова** — «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).

**Спартан** — САНЪАТ САРОЙИ (кеч соат 6-15 ва 9-15 минутда).

**Югур, арияча** — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 11 да).

ёзги бинода

(кеч соат 6-15 ва 9-15 минутда).

**Етти оғайни фарзандлари** — «ПОБЕДА».

**Туннель** — «ШАРҚ».

**Уларни афтидан танирдилар** — «МЕҲНАТ».

**Опа** — «1 МАЙ».

**«ПОЛИТОТДЕЛ» КОЛХОЗИ СТАДИОНИДА**

**2 Май кеч соат 6 да**

Совет Иттифоқи биринчилиги учун.

**«Политотдел»** (Тош. обл) — **«Строитель»** (Ашхабод) командалари ўртасида

**ФУТБОЛ**

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана, областного Совета депутатов трудящихся.

Бизнинг АДРЕС: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор—В35212. Редактор ўринбосарлари—В35885, В36232, Масъул секретарь—В34808. Пропаганда, адабиёт ва санъат бўлимлари—В31936 Саноат, транспорт ва қурилиш бўлими—В33786. Партия турмуши. Ахборот ва спорт бўлимлари—В35811, Қишлоқ хўжалиги, фан мактаб ва олий ўқув юртлари бўлимлари—В39050, Совет ишлари, маиший ва шаҳар хўжалиги бўлими—В38761. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими—В34048. Эълонлар бўлими—В38142. Коммутатор—В30249 дан В30258 гача.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р. 053519. Индекс 64970 А — 1850.